

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ “АЛ-ҚУСТОС ФИ ИЛМИ-Л-АРУЗ” РИСОЛАСИДАГИ АРУЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ БЎЛАКЛАРИ ВА РУКНЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Худжанова Д.
Манбашунослик - 2 курс

Аннотация

Мақолада Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-қустос фи илми-л-аруз” рисолаидаги арузнинг энг муҳим бўлаклари ва руқнлари ҳақида гап боради.

Улуғ ватандошимиз араб ва аҷам фаҳри ҳисобланган Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий Қаламига мансуб “ал-Қустос фи илми-л-аруз” (“Аруз илмида вазн”) асари XII асрда ёзилган. Аруз илмига оид бу асарнинг тўлиқ номи “Ал-Қустос ал-муствақийм фи илм ил-аруз” (“Аруз илмида аниқ мезон”)дир. Ушбу рисолада Замахшарий ўзи яшаган давр шоирлари шеър вазнларини тадқиқ қилишни мақсад қилиб олади. Асарда аруз иллатлари борасида алоҳида сўз юритади, аруз вазнига оид баҳрлар, руқнлар ва уларнинг ҳар ҳил баҳр турларига ўз шеърларидан мисоллар келтиради.

Ушбу мақолада рисоладаги арузнинг энг муҳим бўлаклари ва руқнларнинг турлари атрофлича таҳлил қилинади.

Аруз фанининг асоси ўлчовлар ва маълум тартибда кетма-кет келадиган ҳаракатли ва сукунли ҳарф¹лардан ташкил топган руқнлар ҳисобланади. Шунингдек, ҳаракатли ва сукунли ҳарфларнинг маълум тартиб билан алмашилиб келиб, бир бутунликни ташкил қилишларига қараб бўлакчаларга ажратади. Ана шу кичик бўлакчалар аруз учун бош ўлчов бирлигини ташкил қилувчи мақтаълардир. Улар икки турли бўлади:

Биринчиси, мақтаъ таркибида ҳаракатланганлиги ёки сукунланганлигидан қатъий назар, иккита ҳарф иштирок этган бўлак **сабаб** – سَبَبٌ (луғ.м: арқон)дир. Сабаб икки турли бўлади:

1. Енгил сабаб (سَبَبٌ خَفِيفٌ) – бир қисқа ҳаракатли ва бир сукунли ҳарфлар бирикмасидан иборат. Масалан, لُنِّ فَعُولُنِّ даги لُنِّ

2. Оғир сабаб (سَبَبٌ ثَقِيلٌ) – икки қисқа ҳаракатли ҳарфлар бирикмасидан иборат. Масалан, مَفَاعَلُنُّنِّ даги عَلُنِّ .

Иккинчиси, уч ҳарфдан иборат **ватад** – وَتَدٌ (луғ.м: қозик). Ватадни ҳам икки тури мавжуд:

1. Ажратилган ватад (وَ تَدٌ مَفْرُوقٌ) – икки ҳаракатли ҳарфни ўртасида келувчи бир сукунли ҳарфлар мажмуаси. Масалан, لَانَتْ مَفْعُولَاتٌ даги لَانَتْ .

2. Йиғилган ватад (وَ تَدٌ مَجْمُوعٌ) – икки ҳаракатли ва бир сукунли ҳарфлар йиғиндисидан иборат. Масалан, عَلُنُّ فَاعِلُنُّ даги عَلُنُّ .

Шунингдек, уч ёки тўрт ҳаракатли, охири ҳаракатсиз ҳарфдан ташкил топган бўлак **фосила** (الفاصلة – луғ.м: оралик) лар ҳам икки кўринишда бўлади:

1. Кичик фосила (الفاصلة الصغرى) – бир оғир ва бир енгил сабабнинг йиғиндисидан иборат. Масалан, مُتَقَاعِلُنُّنِّ даги مُتَقَاعِلُنُّ .

2. Катта фосила (الفاصلة الكبرى) – бир оғир сабаб ва бир йиғилган ватадга тенг. Масалан, فَعَلُنُّنُّ .

Ушбу сабаб, ватад ва фосилалардан **руқнлар** тузилади. Арузда энг кичик ўлчовлар руқндир. Вазнлар руқнлардан тузилади, руқнлар эса жузвлардан иборатдир. Араблар жуз ёки тафъла деб аташади.

Руқн– ҳаракатли ва сукунли ҳарфларнинг маълум вазият талабига монандлашиб, зарур тартиб билан келувчи махсус бирлигидир. Ана шу бирлик аруз баҳрларини ўзаро фарқловчи асосий ўлчов вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, руқнлар сабаб, ватад ва фосилалардан тузилади. Ҳалил ибн Аҳмад руқн қолипларини яшашда қуйидаги 10 та ҳарфдан фойдаланади: ا،ت،س،ع،ف،ل،م،ن،و،ى.

Араб олимлари ушбу ҳарфлар йиғиндисидан "السمعت سيوفنا" (тарж: "шамширларимиз ярақлаб кетди") жумласини формал яшашган².

Сабаб, ватад ва фосилалардан таркиб топган афоийл – الأفاعيل ва тафоийл – التفاعيل лар деб аталадиган 8 та асл жуз(руқн)лар мавжуд. Улар неча ҳарфдан ташкил топишига қараб икки қисмга бўлинади:

1. Беш ҳарфдан ясалган руқнлар. Улар иккита:

لُنِّ فَعُولُنُّ (фаълун) – бир йиғилган ватад (فَعُو) ва бир енгил сабаб (لُنِّ) келади.

¹“Ҳарф” сўзи товушнинг ўзини ҳамда унинг ёзувдаги ифодасини бирдек ифодалайди.

²Талабов Э. Араб арузи. – Т.1977. –Б.13.

3. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.
4. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971.
5. Султонов Иззат. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
6. Талабов Э. Араб шеърятини аруз тизими, ДДА. – Т., 2004.
7. Талабов Э. Араб арузи. – Т. 1977.
8. Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Т.: ТошДШИ.
9. Уватов У. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
10. Элмуродов И.К., Эшмуродов М. X-XII аср Хоразм маданияти Ёқут ал-Ҳамавий талқинида. – Т.: 2005.
11. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.
12. Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтоҳ ал-улум” асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари, Тошкент, 2005. – Б: 177-181.

Рус тилидаги адабиётлар

1. Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии, АКД, - Т., 2002.
2. Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафотих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, АКД. – Ташкент, 1990.

Интернет сайтлар

1. www.al-mostafa.com
2. www.wattpad.com